Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 16 (2911)
ЧОРШАНБА
21 ЯНВАРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

20 январда Тошкент область XVIII партия конференцияси очилди.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини юксак кўтаринкилик билан фахрий президиумга сайладилар.

Делегатлар область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаховновнинг область партия комитети ҳисоботи ҳақидаги докладини эшитдилар.

Конференцияда область партия ташкилоти ревизия комиссияси иши ҳақида комиссия раиси Я. К. Эгамбековнинг доклади тингланди.

Область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский КПСС Марказий Комитетининг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси ҳақида доклад қилди.

Конференцияда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин сўзга чиқди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, П. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев ўртоқлар иштирок этмоқдалар.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. И. Савинкин, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Министрлар Совети материал-техника таъминоти Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Мартинов, СССР Министрлар Советининг масъул ходими Б. Т. Бацанов ўртоқлар қатнашмоқдалар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Конференция иши тўғрисидаги батафсил ҳисоботни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ КУНЛИК ПЛАН— ТЎРТ КУНДА

• Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида

Қимматли ташаббус маъқулланди

Исмоил ОРИПОВ

Виктор КАПРАНОВ

Анатолий БЕЛИК

Илғор бригадаларнинг «Беш кунлик план— тўрт кунда» шиори остида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш ва 1976 йил топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш бўйича ташаббуси тўғрисида

Тошкент шаҳар партия комитети илғор бригадаларнинг «Беш кунлик план—тўрт кунда» шиори остида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш ва 1976 йил топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш бўйича ташаббуси тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.

Мазкур масала бўйича қабул қилинган қарорда Тошкент уйсозлик комбинатидаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати И. Орипов бошлиқ бетончилар бригадаси, «Миконд» заводидаги А. В. Белик ва Ш. Сайдалиев бошлиқ қайнатувчилар ва штамповкачилар бригадалари; 127-автокорхонадаги Ю. В. Калабин бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси, граждан авиацияси ремонти заводидаги В. С. Капранов бошлиқ бригада, «Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасидаги В. В. Кожемякин бошлиқ лаҳимчилар бригадаси коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ҳар бир иш жойида резервлардан тўлароқ фойдаланиш, илғор иш методлари ва усулларини жорий этиш ҳисобига беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш бўйича социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу бригадаларнинг коллективлари шаҳар меҳнаткашларини ўзларидан намуна олишга— «Беш кунлик план—тўрт кунда» шиори остида ишлашга даъват этадилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети И. Орипов, А. В. Белик, Ш. Сайдалиев, Ю. Б. Калабин, В. С. Капранов ва В. В. Кожемякин ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг «Беш кунлик план—тўрт кунда» шиори остида социалистик мусобақани кенгайтириш бўйича бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетларига социалистик мусобақа илғорларининг ташаббусини саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида кенг ёйиш бўйича сиёсий ва ташкилий ишларни амалга ошириш топширилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлашлари ва ёйишлари, қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун бригадаларга ёрдам бериш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқишлари, мусобақага қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига мунтазам якун ясаб боришлари, бунда меҳнат натижаларининг ошкора, жарангдор, таққосланадиган бўлишини таъминлашлари лозим.

Владимир КОЖЕМЯКИН

Шермуҳаммад САЙДАЛИЕВ

Юрий КАЛАБИН

• Ҳар бир ишчи ўрнида меҳнат унумдорлигини оширайлик

• Коллектив планининг бажарилиши учун шахсий масъулият

• Илғорлар тажрибасига кенг йўл!

25 ЗАРБДОР ДЕКАДА

• БУГУН НАВБАТДАГИ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ДЕКАДА БОШЛАНДИ БУ ДЕКАДА КПССнинг XXIII СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНАДИ •

☆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Проспектда янги уйлар

«Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг 6-қурилиш бошқармаси коллективи пойтахтимизнинг Максим Горький проспектида газ саноати институти ходимлари учун 56 квартирали уйнинг фойдаланишга тайёр қилиб қўйдилар. Бу бинонинг тез ва сифатли қуриб битказилишида бошқарманинг Сергей Зимчук бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи фидокорона меҳнат қилди. Бригада аъзолари КПСС XXV съезди шарафига ўтаётган зарбдор мусобақаларда қатнашиб, кунлик иш нормаларини 120—130 процентдан адо этмоқдалар.

Шу кунларда проспектда фойдаланишга топширилган янги турар жой биносига хамшаҳарларимиз кўчиб ўтишмоқда.

А. БУРОНОВ.

• Съезддан—съездгача

Экономикага раҳбарликни такомиллаштириб

КПСС XXII съездидан кейин бутун мамлакатда янги Программани ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишлар қизитиб юборилди. Партия коммунистларнинг, барча совет кишиларининг ҳаракатларини етти йиллик план топшириқларини бажаришга сафарбар этди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми партия ҳаётида муҳим тарихий боскич бўлди. У XX—XXII съездларнинг партия ва давлатга раҳбарлик ленинча нормаларини тиклаш ва янада ривожлантириш бўйича йўлини давом эттириб, ўзбошимча, субъектив ҳаракатларга чек қўйди, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига раҳбарликка ленинча илмий ёндошишни тўла тиклади.

Пленум Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитетнинг Биринчи секретари қилиб сайлади. Бир вақтнинг ўзида Олий Совет Президиуми А. Н. Косигинни СССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинлади.

1964 йилнинг ноябридаги КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1962 йилда амалга оширилган партия ташкилотларини «ишлаб чиқариш» белгиларига кўра қайта қуришни бекор килишни ва уни КПСС Уставида ёзилган, ўн йиллар давомида синалган, территория — ишлаб чиқариш белгилари бўйича тузиш принципига қайтишни зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь Пленумларидан кейин халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш ва мамлакат экономикасини янада ривожлантиришни таъминлаш бўйича узоқ муддатли комплекс тадбирлар ишлаб чиқаришга киришилди. 1965 йил мартида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Л. И. Брежневнинг доклади бўйича СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди.

Пленумнинг ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методлари ҳақидаги карори КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1965 йил) Пленуми ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Пленум А. Н. Косигиннинг доклади юзасидан хўжалик реформаси ўтказиш ҳақида карор кабул килди. Реформанинг моҳияти раҳбарликнинг иқтисодий методлари ролини ошириш, планлаштиришни тубдан яхшилаш, корхоналар коллективлари ва ҳар бир меҳнаткашнинг ўз фаолияти натижаларидан моддий манфаатдорлигини оширишдан иборат эди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил), март ва сентябрь (1965 йил) Пленумларида ишлаб чиқилган партия йўли КПСС XXIII съездида (1966 йил 29 март — 8 апрель) тасдикланди ва янада ривожлантирилди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла маъқуллади, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида баён этилган коида ва хулосаларни маъқуллади, Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани бўйича Директиваларни тасдиклади.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг марксизм-ленинизм, 1957 йил Декларацияси ва 1960 йил Баёноти асосида коммунистик харакат сафларини мустаҳкамлаш бўйича фаолиятини маъқуллади. КПСС, деб таъкидлади съезд, коммунистик харакатда гегемонизмга карши чиқмоқда, у пролетар интернационализми принциплари асосида барча партиялар ўртасида чинакам тенглик ва қардошларча муносабатлар тарафдоридир.

Съезд КПСС Уставига айрим ўзгартишлар киритди. Бу ўзгартишлар партия составини янада яхшилаш, актив ва онгли меҳнаткашларни, биринчи навбатда илғор ишчиларни партия сафига кабул килишга партия ташкилотлари эътиборини кучайтириш, партиянинг ички демократиясини янада ривожлантиришга каратилган эди.

КПСС Уставида кўзда тутилганидек, Марказий Комитет Пленумлар орасида партияга раҳбарлик килиш учун Сиёсий Бюрони, кундалик ишларга раҳбарлик килиш учун Секретариатни сайлайди. Марказий Комитет КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарни сайлайди.

КПСС XXIII съезди СССР халк хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани бўйича Директиваларни бир овоздан маъкуллади. Бу советлар мамлакатининг саккизинчи перспектив халқ хўжалик плани эди.

Директиваларда ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, хўжалик юритишнинг партия томонидан ишлаб чикилган янги методлари асосида мамлакат экономикасига раҳбарликни яхшилашга алоҳида эътибор берилган эди.

КПСС XXIII съезди қарорлари билан куролланган партия бу қарорларни ҳаётга тадбиқ этиш, саккизинчи беш йиллик Директивларини бажариш бўйича ишларни авж олдириб юборди.

Миллион тонна юк

Тошкент темир йўл бўлинмасининг ишчи ва хизматчилари КПСС XXV съезди шарафига бағишланган меҳнат вахтасида шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар халқ хўжалиги учун муҳим бўлган юкларни манзилларга ўз вақтида етказиб беришда барча ички имкониятлардан ўринли фойдаланмоқдалар.

Темирйўлчилар шу йилнинг ўзида 22 миллион тонна халқ хўжалик юкларини ташишга бел боғлаганлар.

ЯНВАРНИНГ БИРИНЧИ КУНИДАН БОШЛАБ МАНЗИЛЛАРГА ТАШИГАН ЮКЛАРИ 1 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ. Шунча юк 41 минг вагонда ташилди. Темирйўлчилар ҳар бир вагонга қўшимча 490 килограммдан юк жойлаштиришга эришмоқдалар.

Бугун ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР

Тонгги газеталарда

☆ 19 январь куни Кремлда 1975 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатларининг дипломлари ва нишонларини топшириш маросими бўлди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. С. Тихонов маданият ва санъат арбобларини юксак мукофот билан муборакбод этди. У мукофотларга сазовор бўлган асарларни тавсифлаб, янги лауреатлар орасида кўпгина қардош республикаларнинг намоёндалари борлигини таъкидлади.

Лауреатлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партия билан совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

☆ 20 январь куни Литва Коммунистик партиясининг навбатдаги XVII съезди иш бошлади. Республика коммунистларининг 145 минг кишилик отряди КПСС XXV съездини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ишига чексиз содиқ ҳолда, КПСС ленинчи Марказий Комитети тезарагига янада мустаҳкам жипслашган ҳолда қутиб олмоқда.

☆ Арманистон Компартиясининг 20 январь куни иш бошлаган навбатдаги XXVI съездига 800 дан ортиқ делегат қатнашмоқда. Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

• Мўътабар даргоҳда

ДОҲИЙГА МУҲАББАТ

Шу кунларда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали заллари зиёратчилар билан гавжум бўлмоқда. Бу ерга келаётган кишилар орасида кўплаб мактаб ўқувчилари, ишчилар, хизматчилар, чет эллик меҳмонларни кўриш мумкин.

Ўтган беш ярим йил мобайнида мўътабар даргоҳ билан пойтахтимиз меҳнаткашларининг энг севимли даргоҳига айланди. Ўтган даврда бу ерга марҳамат қилган кишиларнинг сони 3 миллион кишидан ошиб кетди. Фақатгина 1975 йилнинг ўзида 425 минг 207 киши зиёратга келди. Шундан беш мингга яқин киши чет эллик меҳмонлардир.

Зиёратчилар улуғ доҳийнинг Ўрта Осиё халклари ҳақида қилган ғамхўрлиги, доҳийнинг Туркистон меҳнаткашларига йўллаган ҳужжатлари, мактублари, телеграммаларини қизиқиш билан кузатмоқдалар. Туркистон халкларининг тақдири билан чамбарчас боғланган бу ҳужжатлар эндиликда яна ҳам қимматли бўлиб қолди.

Музейдаги заллардан бирида нодир китоблар намойиш қилинмоқда. Ана шундай китоблар В. И. Ленининг Кремлдаги кутубхонасида ҳам мавжуд. Туркистон ҳақида ҳикоя қилувчи бундай китобларнинг сони 250 атрофида. Эндиликда улар нодир китоблар бўлиб колди. Ана шундай китоб орасида «Туркистон республикасининг 1923—1924 йиллардаги хўжалик плани» деган китоб бор. У 1923 йилнинг октябрь ойида Тошкентда нашр этилган. Бундан ташқари «Туркистон иқтисодий кенгашининг 1921 йил февраль—октябр даги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот» деб аталган китоб ҳам киши диққатини жалб этади.

Бошқа стендлар орасида зиёратчиларда «яхши таассурот колдирмоқда. Бу телеграммалар орасида Бухоро коммунистларининг фавқулодда съезди В. И. Ленин номига йўллаган телеграмма бор. У 1920 йилнинг 3 январида жўнатилган.

Республикамиз меҳнаткашлари КПССнинг навбатдаги XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўраётган ана шу кунларда доҳий В. И. Ленинга бўлган меҳр ва муҳаббат беқиёсдир. Республикамиз меҳнаткашлари доҳий ғамхўрлигига жавобан социалистик қурилишда буюк яратувчилик меҳнатини намойиш қилмоқдалар.

Мўътабар даргоҳдаги асосий экспозициялардан ташқари яна икки кўргазма томошабинлар диккатини ўзига тортяпти. Улардан бири СССРда хотин-кизлар масаласининг (Ўзбекистон мисолида) ҳал килиниши тўғрисида ҳикоя килади. Иккинчи кўргазма эса тасвирий санъат асарларидан иборат бўлиб унда рассом А. Н. Цигилинцевнинг В. И. Ленининг якин сафдоши— Михаил Иванович Калининнинг Ўзбекистонга келганлигини акс эттиради.

Л. МОСИВОДОВА.

Пойтахтимиз гўзал ва кўкаламзор бўлсин

Чилонзор ва Фрунзе район меҳнаткашларининг барча ҳамшаҳарларимизга қарата мурожаати Тошкентдаги ташкилот ва корхоналарда кизгин кутиб олинди. Бугун биз Ўзбекистон пойтахтини мамлакатимиздаги энг гўзал ва кўкаламзор шаҳарларидан бирига айлантириш бўйича бошланган ташаббусни маъқулловчи дастлабки мактубларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

ОБОДОНЧИЛАР АҲДИ

Октябрь район ободончилари Чилонзор ва Фрунзе район меҳнаткашларининг мурожаатини қизгин маъқуллаб, районларини янада обод ва кўркам қилишда келгусида қандай ишлар бажаришлари ҳақидаги планни ишлаб чиқдилар.

5 декабрь кўчасида шанба ва якшанба кунлари умумхалқ ҳашарига чиқилади ва 6 гектарлик хиёбон ташкил қилинади. Бу ерда кўплаб дарахт, яшил тўсиқ ўтказилиб, гулзорлар барпо қилинади ва бир неча километрга пуркагич фонтанчалар ўрнатилади. Бу янги дам олиш хиёбони «Пахтакор» стадиони ёнида бўлади.

Ҳозирги кунда Навоий кўчасидаги барча биноларнинг ташқи кўринишни оқланмоқда. Ана шу кўчага бугунгача ўн минг туп яшил тўсиқ экилди. Ўтиш йўлкаларидаги тўсиқчлар бўялди, йўлка ва кўчалар қайта ремонтдан чиқарилди.

Февраль ойининг бошларида янги цирк биноси фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда ободонлаштириш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

А. РАСУЛОВ.

Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Уюшқоқлик билан

Чилонзор ва Фрунзе районлари меҳнаткашларининг барча тошкентликларга карата шахримизни янада обод ва кўркам килиш бўйича мурожаати бизнинг уйжой бошқармамиз ишчи-хизматчилари томонидан қизгин кутиб олинди. Шаҳримизнинг янада гўзал бўлиши учун ҳаммамиз ҳисса қўшишимиз, турар жой биноларининг фақат ташқи кўринишинигина эмас, балки ички томонининг ҳам озода бўлишига эришишимиз лозим.

Биз ўз имкониятларимизни яна бир бор кўриб чиқиб, бу уч ойликда кўчаларимиздаги барча турар жой биноларини янада кўркам ва озода қилишга бел боғладик.

Ун йил ичида Тошкентимиз беқиёс даражада гўзаллашди. Барча қардош республика қурувчиларининг ёрдами билан янги Тошкент бунёд этилди. Янги маъмурий бинолар, турар жой массивлари, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар ташкил этилди. Районда турар жой фонди икки баробарга оширилди. Бу йил уйларни капитал ремонт қилиш учун 1 миллион 889 минг сўм, майда ремонт учун 780 сўм ажратилди. Биз бу йил барча бажариладиган ишларни фақат «аъло» даражада бўлиши учун меҳнат киламиз. Бундан ташқари бу йил 5 та янги болалар майдончаси барпо қилиниб, 77 та болалар ва спорт майдончаси қайта ремонтдан чиқарилди.

Районимиздаги марказий кўчаларнинг янада кўркам бўлишига ҳаракат киламиз. Бунинг учун барча турар жойлардаги балконларнинг озода бўлишига эришамиз. Ҳозир 1400 та балконимиз марказий кўчалар томонига қараган. Биз баҳор ойигача ана шу балконларни бўёкдан чиқариб, кўкаламзор қилишга эришамиз. Мурожаатни маъқуллаб, шанба ва якшанба кунлари умумхалқ ҳашарларига чиқамиз. Ана шу ойлар мобайнида районимиз территориясига 7 минг туп дарахт ва 25 минг дона яшил тўсиқ ўтказамиз. Биз районимизнинг янада гўзал бўлиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

С. БОБОҲОНОВ.

Куйбишев район уйжой бошқармаси бошлиғи.

XVIII ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

— Мамлакатимизнинг бутун ҳаёти, — деди Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** конференциядаги ҳисобот докладида, — ҳозир КПСС XXV съездига тайёргарлик белгиси остида ўтмоқда. Умумхалқ сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги, социалистик мусобаканинг кенг қулоч ёйганлигида ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, СССР халклари барча қардош ойласининг коммунизм ғояларига чексиз садоқати, уларнинг жонажон партия теварагига маҳкам жипслашганлиги, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ядроллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари зўр қонж билан ўз ифодасини топмоқда.

Ўтган беш йиллик коммунистик қурилиш йўлида муҳим босқич бўлди. Бу беш йиллик якунларини характерлаб, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленумида шуни таъкидладики, тўқкизинчи беш йилликда иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишлари ва характери КПСС XXIV съездининг йўлига, бизнинг иқтисодий сиёсатимизнинг принципиал кўрсатмаларига тўла мувофиқ келади. Ишлаб чиқаришнинг абсолют ўсиши жиҳатидан тўқкизинчи беш йиллик мамлакатимиз тарихида энг муҳим ўрин тутади. Бу беш йилликда совет кишилари ҳаётини яхшилаш билан, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ иқтисодий вазифаларнинг миқёслари жиҳатидан ҳар қачонгидан кўп иш қилинди.

Ленин васиятларига амал қилган партиямиз ва Совет ҳукумати халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш, халқлар ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказиб келмоқда. Бу сиёсат яхши ниятли барча кишилар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Бутун тараққипарвар инсоният КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг олий мукофоти — Фредерик Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлигини эҳтиёжмандлик билан кутиб олди. Бу мукофот мамлакатимизнинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси ҳамда шахсан Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта хизматлари бутун дунёда эътироф этилганлигини билдиради.

Бутун совет халқи сингари областимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш юзасидан Марказий Комитетнинг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўп қирралі фаолиятини яқдиллик билан қизғин мақуллайдилар ва тўла қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳозир бутун мамлакатда совет кишилари ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини актив равишда муҳокама қилмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик тинчлик ва яратувчилик беш йиллиги, сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш беш йиллиги, халқ фаровонлигини янада ошириш беш йиллиги бўлади.

Олдимизда турган жуда катта яратувчилик ишлари коммунистлар ва барча меҳнаткашларда куч-ғайрат ва меҳнат шижоатини янгидан жўш урдирмоқда.

Шуни қувонч билан эътироф этиш мумкинки, ўтган беш йилликда Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари эришган ютуқларга Ўзбекистон меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика саноати янги юксак чўққиларга эришди. Саноат ҳодимлари мўлжаллаган илгари. 10 сентябрда маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича беш йиллик планни бажардилар. Планга қўшимча 1,7 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Ўтган йил ва умуман беш йилликни Ўзбекистон деҳқонлари каҳрамонона зафарлар билан якунладилар. Умумхалқ мададига таянган республика пахтакорлари мамлакатимиз қардош халқлари олдидаги ўз интернационал бурчини шараф билан бажардилар, асосий вазифани муваффакиятли ҳал қилиб, она-Ватанга 5 миллион тонна «оқ олтин» топширдилар. Умуман тўқкизинчи беш йиллик давомида эса планда белгиланганидан 2,3 миллион тонна кўп пахта тайёрланди.

Қишлоқ тармоқларида ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон халқларининг қардошлик меҳнат ойлаида пойтахт области меҳнаткашлари янги юксак марраларни эгалладилар.

Тўқкизинчи беш йиллик йилларида ва ҳисобот даврида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида экономикани янада ривожлантиришнинг асосий проблемалари республиканинг барча партия ташкилоти қатори область партия комитетининг ҳам диққат марказида бўлди.

Тошкент областининг ишчилари, колхозчилари ва меҳнатчи зиёлилари коммунистлардан, илғорлар ва новаторлардан ибрат олиб, партиямиз XXIV съезди олдинга қўйган вазифаларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилдилар. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг оталарча ғамхўрлиги ва ёрдамини доимо ҳис қилган областимиз меҳнаткашлари тўқкизинчи беш йилликда иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишлари ва характери КПСС XXIV съездининг йўлига, бизнинг иқтисодий сиёсатимизнинг принципиал кўрсатмаларига тўла мувофиқ келади. Ишлаб чиқаришнинг абсолют ўсиши жиҳатидан тўқкизинчи беш йиллик мамлакатимиз тарихида энг муҳим ўрин тутади. Бу беш йилликда совет кишилари ҳаётини яхшилаш билан, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ иқтисодий вазифаларнинг миқёслари жиҳатидан ҳар қачонгидан кўп иш қилинди.

Ленин васиятларига амал қилган партиямиз ва Совет ҳукумати халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш, халқлар ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказиб келмоқда. Бу сиёсат яхши ниятли барча кишилар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Бутун тараққипарвар инсоният КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг олий мукофоти — Фредерик Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлигини эҳтиёжмандлик билан кутиб олди. Бу мукофот мамлакатимизнинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси ҳамда шахсан Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта хизматлари бутун дунёда эътироф этилганлигини билдиради.

Бутун совет халқи сингари областимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш юзасидан Марказий Комитетнинг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўп қирралі фаолиятини яқдиллик билан қизғин мақуллайдилар ва тўла қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳозир бутун мамлакатда совет кишилари ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини актив равишда муҳокама қилмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик тинчлик ва яратувчилик беш йиллиги, сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш беш йиллиги, халқ фаровонлигини янада ошириш беш йиллиги бўлади.

Олдимизда турган жуда катта яратувчилик ишлари коммунистлар ва барча меҳнаткашларда куч-ғайрат ва меҳнат шижоатини янгидан жўш урдирмоқда.

Шуни қувонч билан эътироф этиш мумкинки, ўтган беш йилликда Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари эришган ютуқларга Ўзбекистон меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика саноати янги юксак чўққиларга эришди. Саноат ҳодимлари мўлжаллаган илгари. 10 сентябрда маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича беш йиллик планни бажардилар. Планга қўшимча 1,7 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Ўтган йил ва умуман беш йилликни Ўзбекистон деҳқонлари каҳрамонона зафарлар билан якунладилар. Умумхалқ мададига таянган республика пахтакорлари мамлакатимиз қардош халқлари олдидаги ўз интернационал бурчини шараф билан бажардилар, асосий вазифани муваффакиятли ҳал қилиб, она-Ватанга 5 миллион тонна «оқ олтин» топширдилар. Умуман тўқкизинчи беш йиллик давомида эса планда белгиланганидан 2,3 миллион тонна кўп пахта тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Область партия комитетининг ишида хўжалик реформасини янада кучайтириш масалалари муҳим ўрин тутди. Хўжалик реформаси иқтисодий тараққиёт суръатларини тезлаштиришга, моддий ва молиявий ресурслардан бирмунча рационал фойдаланишга имкон берди.

Тўқкизинчи беш йилликда меҳнат ғалабаларимизнинг манбаи социалистик мусобақани кенг ривожлантирилганлигидадир.

Беш йиллик ҳамда унинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақада 700 мингдан ортиқ киши қатнашди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати тобора оммавий тус олмоқда. Ишда юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашнинг олдинги сафларида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкенткабель. «Ташсельмаш» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати, Ангрен кўмир разреза, «Малика» трикотаж фирмаси ва бошқа жуда кўп корхоналарнинг коллективлари бормоқдалар.

Таниқли тўқувчилар Лидия Казанцева, Евгения Губина ва ип йигирувчи Бувойда Жўраеванинг ташаббуси республикада ва бутун мамлакатда яхши маълумдир. Кўп станокда хизмат қилишга ўтиш ва юксак иш маҳорати уларга шахсий беш йиллик топшириқларини 1973 йилдаёқ бажариш имконини берди.

1974 йил бошида республикада ишлаб чиқаришнинг тўқиз илғори «Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз» деган қимматли ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Бу илғорлардан етти киши бизнинг областимиз вакилларидир. Улар эммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Уларнинг намунаси кўпларни ўзига эргаштирди. Областдаги 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғори икки беш йиллик топшириғини бажарди. Бу ажойиб кишиларнинг фидокорона меҳнати таҳсинга ва катта ҳурматга лойиқдир.

Коллективлар томонидан мўқобил планларнинг қабул қилинишида меҳнаткашлар ижодий активлигининг ўсганлиги яққол намоён бўлди. 1975 йили областнинг 183 саноат корхонаси мўқобил планлар қабул қилиб, пландан ташқари 39 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Областнинг ишчилар, инженер-техник ходимлари коллективлари, партия, совет, касаба союз, хўжалик органлари ва комсомол ташкилотларининг тинимсиз меҳнати партия ва ҳукуматнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Шаҳар, район партия комитетлари, облсовпроф, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари илғорларимиз ва новаторларимизнинг ватанпарварлик ташаббусини бундан бўён ҳам авж олдириб, қўллаб-қувватлашлари керак, уларнинг тажрибасини кенг пропаганда қилишлари лозим, мусобақа байроқдорларининг марраларига халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида минг-минглаб меҳнаткашлар эришмоғи лозим.

Ўнинчи беш йилликда саноат, транспорт, алоқа ҳодимлари олдида масъулиятли вазифалар турипти.

Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг XXV съездга лойиҳасидан келиб чиқади.

Уларни амалга ошириш учун биз мавжуд камчиликларни тугатиш ва янги резерваларни ишлаб топишга эътиборимизни жалб қилмоғимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида таъкидланганидек, биз кадрларнинг юксак интизом ва топширилган иш учун шахсий масъулиятини оширишимиз лозим.

Афсуски, бизда бу талабларга тўла риоя қилинмаётган ҳоллар ҳали ҳам учраб туради. 1975 йилда саноат корхоналарининг икки проценти маҳсулот реализацияси планларини бажармадилар. Кўпгина корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш топшириқларини уддалайолишмади.

Бу аҳвол кўп жиҳатдан шу сабабли рўй бермоқдаки, бир қатор жойларда хўжалик раҳбарлари мавжуд камчиликлар ва ишдаги нуқсонларга нисбатан муросасизлик қилмадилар. Бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг тасдиқланган планлари бажарилиши юзасидан бўш назорат қилмадилар.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларини ойлик ва квартал топшириқларини, умуман йиллик планини муддатидан илгари бажаришга, ишнинг сон кўрсаткичларинигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилашга сафарбар этишга, меҳнаткашларнинг қиммати ташаббусларини қўллаб-қувватлашга даъват этилгандирлар.

Ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ҳамда биринчи квартал планини КПСС XXV съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олган илғорлар ташаббусини кенг ёйиш лозим.

Экономикани ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини оширишда капитал қурилиш муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун қурилиш суръатларини кучайтириш ва сифатини яхшилаш, қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва капитал маблағлар самарадорлигини ошириш бўйича ташкилотчилик иши область партия ташкилотининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида областда молиялашнинг барча манбалари ҳисобига 5 миллиард сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. 64 та янги йирик саноат корхоналари ва объектлари ишга туширилди, 6,5 миллион квадрат метр турар-жой, 144,5 минг ўринли мактаблар, 45 минг ўринли болаларнинг мактабгача муассасалари, 4,4 минг ўринли шифохоналар фойдаланишга топширилди.

«Главташкентстрой», «Узбекшахтострой», 23-трестлар ҳамда 30 та қурилиш бошқармалари қурилиш-монтаж ишлари бешйиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Кейнинги икки йил ичида 160-қурилиш трести, «Ташмелиоводстрой», «Ташпромстрой» трестлари иш кўрсаткичларини яхшиладилар.

Тошкент ГРЭСи партия ташкилотларининг, қурувчилар ва фойдаланувчилар коллективларининг мақсадга йўналтирилган иши электр станциясининг саноат фойдаланишига топширилиши ва лойиҳа қувватининг муддатидан илгари ўзлаштирилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик телеграммасида ҳақконий равишда юксак баҳо олди.

Республикамиз пойтахти Тошкент тез суръатлар билан қурилмоқда ва ривожланиб бормоқда. Бугунги Тошкентнинг қиёфасини балавд уйлар кўп бўлган янги обод турар-жой кварталлари, чиройли парк ва хиёбонлар белгилайди. Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида В. И. Ленин ҳайкали, В. И. Ленин майдони, Санъат музейи, рассомлар союзининг кўргазма зали, редакция — нашриёт корпуси, цирк ва бошқа бир қатор бинолардан иборат ноёб қурилишларни ўз ичига олган янги архитектура ансамблари вужудга келди.

Қишлоқ қурилиши область партия ташкилотининг алоҳида диққат марказида турибди. Қишлоқ хўжалигида капитал маблағлар ҳажми тўқкизинчи беш йилликда миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди ва саккизинчи беш йилликдагига қараганда 60 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш объектлари бўйича қариб икки марта ўсди.

Ўтган беш йилликда КПСС Марказий Комитети ва Сиёсий бюро, Совет ҳукумати ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумида белгилаб олинган ва партия XXIII ҳамда XXIV съездлари қарорлари асосида мустаҳкамланган аграр сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан улкан миқёсда, ўз характери жиҳатидан кўпқиррали бўлган ишларни олиб бордилар.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитети қарорини ва ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини бажара бориб, ҳисобот давридаги ўзининг амалий фаолиятида, партия ташкилотлари, Совет ва қишлоқ хўжалиги органларининг асосий диққат-эътиборини концентрациялаш ва тармоқларни ихтисослаштириш асосида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришга, техника тараққиётини тезлаштиришга, ишлаб чиқаришга фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этишга қаратдилар.

Саккизинчи беш йилликдагига нисбатан давлатга пахта сотиш 21 процент, ғалла 11 процент, сабзавот 60 процент, полиз маҳсулотлари 25 процент, картошка 34 процент, мева 2,1 баробар, сут 44 процент, гўшт 26 процент, жун 19 процент, пилла 33 процент, тухум эса 2,3 баробар кўпайди.

Техникани кенг қўлламасдан туриб, пахтачиликни интенсивлаштириш, техника тараққиётини тезлаштириш, пахта етиштиришда алмашлаб экишни ва илғор методларни жорий этиш ва агротехниканинг прогрессив усулларини кенг қўлламасдан туриб, деҳқончилик маданиятини юксалтирмасдан туриб бундай муваффақиятларга эришиш мумкин эмас эди.

Лекин биз пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги ишларимизга таниқидий нуқтан-назардан баҳо берадиган бўлсак, ҳали фойдаланилмай ётган резервларимиз кўп эканлигини тан олиш зарур. Мавжуд моддий техника ресурслари ҳар бир хўжаликда гектаридан амалда камида 35—40 центнердан ҳосил олиш имкониятини беради.

Пахта етиштиришни мутасил кўпайтира бориш дон хўжалиги, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам бир йўла ривожлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Бизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга қаратилган барча ишларимиз энг аввало конкрет характерга эга бўлиши ва партиямиз Марказий Комитети томонидан қўйилаётган ҳозирги талабларга жавоб бериши лозим.

Юқорида айтилган гапларга якун ясаб, шуни зўр қониқиш билан айтиш керакки, областимиз халқ хўжалигини юксалтириш бўйича белгиланган беш йиллик топшириқни шараф билан бажарди. Бу колхозчилар, совхоз ишчилари, инженер-техник ходимлар, мутахассислар, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари фидокорона меҳнатнинг, бошланғич партия ташкилотларининг катта ташкилотчилик ишларининг натижасидир.

Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги бундай муваффақиятларга идеология ишларини кенг қўламда йўлга қўймасдан туриб эришиш мумкин эмас, албатта. Ҳисобот даврида идеология ишларининг асосий йўналиши коммунистик тарбия ва коммунистик онг даражасини юксалтиришга, ишчи синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг меҳнат ва социал-сиёсий активлигини оширишга, коммунистик қурилишнинг практика билан алоқасини мустаҳкамлашга, ҳар бир кишига эътибор ва шахсий таъсирни кучайтиришга қаратилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия комитетида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими» ҳақидаги қарорини бажара бориш раҳбар кадрлар сиёсий ўқувининг маълум бир системасини вужудга келтириш имконини берди.

1972 йилга нисбатан ўқувга жалб этилган номенклатурадаги ходимларнинг сони икки баробардан зиёд ўсди.

Ҳисобот даврида пропаганданинг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланди, коммунистларнинг сиёсий ўқуви ва меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш самарадорлиги анча ортди. Кейинги йилларда ўрта ва олий звеноларда таълим олаётганларнинг сони 70 процентдан 80 процентгача ўсди. Бу ҳеч шубҳасиз, таълим даражасининг ўсиб бораётганлиги, коммунистларни назарий жиҳатдан тайёрлаш савиясининг кўтарилиб бораётганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Ҳисобот даврида область партия ташкилотлари меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Бу иш идеология участкаси ходимлари фаолиятида муҳим соҳа бўлиб қолди.

Бу жиҳатдан биз ўзининг ажойиб революцион ва меҳнат анъаналари билан машҳур бўлган Иваново области меҳнаткашлари билан дўстлик алоқаларимизни ривожлантиришга янада катта эътибор бермоқдамиз.

Лекин, шу билан бирга, партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларининг сифати ўсиб бораётган талабларга тўла жавоб бера олмайди.

Партия ташкилотлари оммавий агитация ишлари имкониятларидан тўла фойдалана олмаётир. Айрим ҳолларда сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчиларнинг ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилади. Биз бу соҳада схематизм, шошма-шошарлик, коллективлар олдига конкрет вазифаларни қўя билмаслик сингари жиддий камчиликлардан ҳали эмасмиз.

Меҳнаткашлар активлиги ва ижодий ташаббуси юксалиб бораётган ҳозирги съездолди кунларида бизнинг идеология соҳасидаги барча фаолиятимиз коммунистлар, барча меҳнаткашлар томонидан КПСС Марказий Комитетининг XXV съездига лойиҳасини чуқур ўрганишини ташкил этишга қаратилмоғи лозим.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида шуни таъкидладики, янги беш йиллик бутун ишларимиз сифати беш йиллиги бўлади.

Даврнинг бу тақозоси бизнинг барча партия ва хўжалик раҳбарларимизга ҳам тааллуқлидир. Хўжаликка партия раҳбарлиги сифатини, оммо орасида ташкилотчилик ишлари сифатини, агитация ва пропаганда сифатини ва ниҳоят шахсий фазилатларни яхшилаш лозим. Улар меҳнат коллективи бутун фаолиятининг чинакам ташкилотчиси бўлишлари, сўз ва иш бирлиги билан намуна кўрсатишлари лозим. Ҳар бир коммунист раҳбарнинг бурчи ана шундан иборат.

Беш йилликнинг улкан вазифаларини амалга ошириш ишчилар, колхозчилар ва зиёлилардан зўр ижодий куч-ғайратни, фидокорона яратувчилик меҳнатини талаб этади. Партия бизни меҳнатда юксак натижаларга эришиш учун, халқ хўжалик планларини бажариш учун, ўнинчи беш йиллик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлиши учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга чақиради. Бу ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг шон-шараф ишидир.

Областимиз меҳнаткашлари 1976 йилга юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу мажбуриятларда партия XXV съездини муносиб кутиб олишга бўлган интилиш, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини зарбдор меҳнат қилиш билан муддатидан илгари бажариш ўз ифодасини топган.

Партиямиз ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган пойтахт области коммунистлари ва барча меҳнаткашлари янги куч-ғайрат ва шижоат билан партиянинг улуғвор планларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қиладилар ва мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини Сизларнинг номингиздан ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Сўнгра область партия ташкилоти ревизия комиссияси иши ҳақида комиссия раиси **Я. К. Элчибеков** доклад қилди.

Ҳисобот доклади ва ревизия комиссиясининг докладида юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаев**, Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **А. Сандхўжаев**, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Г. Х. Қодиров**, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Хван Ман Гим**, Р. Р. Шредер номли бодгорчилик, узумчилик илмий-текшириш институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Мирзаев**, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. М. Муҳамедов**, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. Э. Эгамбердиев**, «Средазуголь» комбинати юк ортиш-транспорт бошқармаси тепловоз машинисти **Г. С. Клейменова**, Тошкент тоактор заводининг токари **Т. Шомирзаев**, Горький номли рус давлат академик драма театри партия ташкилотининг секретари **В. И. Филатова**, область прокурори **К. С. Галашко**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи **Н. О. Шукин**, пахта целлюлозаси илмий-текшириш институтининг директори **Х. Усмонов**, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси машинасозлик заводи қуюв цехининг ишчиси **А. П. Фадин**, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери **В. Н. Журавлев**, Бўка районидаги «Бўка» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. А. Ковалева**, Янгийўл пойафзал фабрикасининг мотористкаси **Ф. Фозилова**, область комсомол комитетининг биринчи секретари **Ш. Н. Бобоев**, Бекобод шаҳар ижроия комитетининг раиси **О. С. Иброҳимов**, «Таштекстильмаш» заводининг йигувчи-слесари **И. Б. Алёхин**, Собир Раҳимов районидаги 10-мактабнинг директори **Г. Н. Конькова** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Мандат комиссиясининг иши тўғрисида комиссия раиси **О. З. Зуфаров** доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» партия XXV съездига лойиҳаси ҳақида» доклад қилиш учун Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунскийга** сўз берилади.

— Ўнинчи беш йиллик мамлакатимиз ҳаётида улкан, илҳомбахш истиқболлар очиб беради, — дейди докладчи. — Партиямизнинг янги программ ҳужжати — КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси совет халқида юксак ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотди.

Улкан сафарбарлик кучига эга бўлган бу ҳужжат партиямиз Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленумининг қарорига мувофиқ умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида тўқкизинчи беш йилликнинг асосий якунлари чуқур таҳлил қилиб берилди, партиямиз социал-иқтисодий фаолиятининг муҳим вазифалари белгиланди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидаги хулосалар ва қоидалар коммунизмнинг моддий-техника базасини бундан бўён барпо этиш совет жамиятининг бутун социал-иқтисодий ривожланиши учун принципиал аҳамиятга эгадир. Пленум қарорлари партия ва халқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди ва кенг қўллаб-қувватланди.

Ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида таъкидланганидек, Коммунистик партиянинг халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилган йўлини ижтимоий ишлаб чиқариш муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар беш йилликда 20—22 процент ошади, ижтимоий истеъмол фондларини янада кенгайтириш таъминланади, бу фондларнинг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш соҳасидаги роли ошади.

Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва халқ моддий фаровонлигини юксалтиришнинг ҳал қилувчи шарти меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштиришдир. Янги беш йилликда миллий даромад ўсишининг 85—90 процентига, саноат маҳсулоти ўсишининг тахминан 90 процентига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш таъминланиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулоти ҳажмини 35—39 процент кўпайтириш назарда тутилади. Электрон, электротехника ва химия саноатини янада ривожлантириш, енгил ва озиқ-овқат саноати учун керакли, шунингдек пахтачиликни ва мелиорация ишларини комплекс механизациялаш учун керакли машиналар ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминланади. Енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш кўпаяди.

Иссиқлик электростанцияларидаги қувватлар кўпайтирилади ва Ангрен кўмир кони негизида янги ГРЭС қурилади.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўртача ҳажми 21—24 процент кўпаяди. 1980 йилда пахта етиштириш 5,8 миллион тоннага етказилади. Қарши чўлида ингичка толали пахта етиштириш бўйича йирик янги районда барпо этилади ва Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари кенгайтирилади. Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. 462 минг гектар ерни суғориш ва 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқариш ишлари амалга оширилади. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасига мувофиқ Тошкент области халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, маданиятни юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми анча кўпаяди. Ангрен резина комбинати қуриш ишлари давом эттирилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ҳамда ўтга чидамли металлар комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси, Тошкент трактор, «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа кўпгина корхоналарни реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади.

Тўқкизинчи беш йиллик давомида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Олмаликда гилам фабрикаси, Тошкентда электр-рўзғор асбоблари заводи, Олмалиқ, Ангренда ва Солдатское посёлкасида тўқимачилик-галантерея фабрикалари, Товоқсой посёлкасида офсет-босма ва картон буюмлари фабрикаси қурилади. Буларнинг ҳаммаси айниқса қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Ўнинчи беш йилликда республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳар хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш ўзида тутилмоқда.

Саноатда беш йил мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 40 процент ортади. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг бундай ортиши асосан мавжуд корхоналарни техника билан қайта ускуналаш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Тошкентда аввалги беш йилликлардаги каби кенг миқёсда капитал қурилиш ишлари амалга оширилади, бунинг учун 2,5—3 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланяпти.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг транспорт хизматига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини бир меъёрда ва ўз вақтида таъминлаш учун транспортни янада ривожлантиришни таъминлаш, транспорт системасининг қувватларини ва ҳаракатини ошириш назарда тутилади. Беш йилликнинг охирига келиб янги 32 километр узунликда трамвай ва 50 километрдан ортиқ узунликда троллейбус линиялари қуриш, бунинг учун 18 та энергия подстанциялари барпо этиш белгиланмоқда. Шаҳар пассажир транспорти ишининг сифат кўрсаткичларини ва айниқса ҳаракат мунтазамлигини кескин оширишга катта эътибор берилади.

Тошкент метрополитенини қуриш ишлари тез суръатлар билан давом эттирилади. Назарда тутилганидек 1977 йилда метрополитеннинг 12,5 километр узунликдаги биринчи навбатининг дастлабки линияси фойдаланишга топширилади ва унинг иккинчи навбати қурилиши бошлаб юборилади.

Граждан авиациясида пассажирлар ва юклар ташиш анча кўпаяди. Тошкент шаҳрида янги аэровокзал тез кунларда дастлабки йўловчиларни қабул қилади. Кўплаб уй-жойлар, уникал бинолар ва кўркам хиёбонлар қурилади.

Алоқани ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилади. Янги шаҳар почтаси ва 350 метрли минораси бўлган телемарказ қурилиши назарда тутилади. Янги АТСлар фойдаланишга топширилади. Бу эса шаҳарларда телефонлар сонини 1,8 баравар, қишлоқ жойларда икки баравар кўпайтириш имконини беради. Қишлоқ телефон алоқаси ўзининг техник жиҳозланиши жиҳатидан шаҳарникига яқинлаша боради.

Қурилиш индустрияси янада ривожланади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА—ЗАРБДОР МЕХНАТ!

«ПЛАННИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛИШИ УЧУН ОҒИШМАЙ ИНТИЛИШ КЕРАК»

В. И. ЛЕНИН

Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашларининг 1976 йил—ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилига қабул қилган ўзаро социалистик мусобақаси тўғрисидаги

ШАРТНОМА

Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик ва 1975 йил топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми қарорлари, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси совет кишиларида янги сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди. Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари меҳнат беллашувини давом эттириб, 1976 йил—ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги социалистик мусобақа бўйича мазкур шартномани тузадилар ва қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар.

	Киров райони	Собир Раҳимов райони
Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план бажарилади	23 декабрь	20 декабрь
Планга қўшимча ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори (млн. сўм)	5	7
1976 йил планига нисбатан меҳнат унумдорлиги ўсиши (процентларда)	2,5	1,5
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши	80	80
Планга қўшимча олинадиган фойда (минг сўм ҳисобида)	200	800
Янги хилдаги моделдаги, фасондаги буюмлар тайёрлаш ва ўзлаштириш (миқдори)	100	100
1976 йилда давлат Сифат белгисига аттестациядан ўтказиладиган буюмлар	7	6
Реализация қилинган буюмлар умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар (процент ҳисобида)	2,0	2,0
Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш	14	27
Иқтисод қилинадиган қора ва рангли металлар (тонна ҳисобида)	200	500
ёқилғи (тонна ҳисобида)	250	510
Электр қуввати (минг киловатт-соат ҳисобида)	850	1.400
Янги ускуналар ўрнатилади (миқдори)	200	320
Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш ҳисобига шартли тежамга эришилади (минг сўм ҳисобида)	500	1100
Пудрат қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	25 декабрь	20 декабрь
1976 йил планига нисбатан қурилишда меҳнат унумдорлиги оширилади (процент ҳисобида)	1,0	1,0
Турар жойлар фойдаланишга топширилади (минг квадрат метр ҳисобида);	99,5	91
мактабгача болалар муассасалари (ўринлар сони)	280	840
Н. Злобин методи бўйича ишлайдиган бригадалар миқдори	12	22
ишчиларнинг умумий миқдори бўйича (одамлар сони)	360	350
Юк ташиш плани бажарилади	25 декабрь	24 декабрь
Планга қўшимча ташиладиган юк (минг тонна ҳисобида)	62	112
Планга қўшимча олинадиган даромад (минг сўм ҳисобида)	50	260
Турли касблардаги ишчилар тайёрланади	1000	5000
Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг малакаси оширилади	1500	3.500
Тошкент областидаги оталиқдаги колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда, бинолар қуриш ва бошқа ишларда кўрсатиладиган ёрдам (минг сўм ҳисобида)	400	300
Маиший хизмат ва чакана товар оборот плани бажарилади.	23 декабрь	27 декабрь
планга қўшимча бериладиган конг истеъмол буюмлари (минг сўм ҳисобида)	600	337,8
«Бир беш йиллиқда—икки беш йиллик топшириғи!» шиори остида ўтадиган социалистик мусобақага жалб этилади (одамлар сони)	300	150
«Беш кунлик топшириқ — тўрт кунда!» шиори остида ўтадиган социалистик мусобақага жалб этилади (одамлар сони)	8000	6800

ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНДА, КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА — ҲАР ОЙДА ЯКУН ЯСАЛАДИ. РАЙОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ЭСА, ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Г. ҲАЙДАРОВА — Киров район партия комитетининг секретари; О. РАСУЛОВ — Киров район ижроия комитетининг раиси; А. ТУРСУНОВ — Узбекистон ЛКСМ Киров район комитетининг секретари; Х. КОРАБОЕВ — 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Л. ФЕОКТИСТОВА — «Мелика» фирмаси тикувчи-моториcткаси; Г. АДАЛЕВ — Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори;

З. АБДУРАҲИМОВ — Собир Раҳимов район партия комитетининг секретари; Ғ. РАФИҚОВ — Собир Раҳимов район ижроия комитетининг раиси; А. РАЗЗОҚОВ — Узбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов район комитетининг секретари; У. УМАРОВ — «Миконд» заводи директори; Ю. ШУБЦОВ— «Компрессор» заводи бригадири; М. ИНОЯТОВА — 1-босмахона муковалсчиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати; С. КОТОВ — 6-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи.

Районларнинг шонли анъанаси

Киров райони партия ташкилоти активи йиғилишига корхоналарнинг ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари — ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан 1975 йил ва тўққизинчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаган кишилар келишди.

Минбарга Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. Ҳайдарова кўтарилади. У «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги докладида барча коллективларда бу ҳужжат маънавий ва сиёсий кўтаринкилик даражасида муҳокама қилинганлигини таъкидлади. Район меҳнаткашлари — 1975 йилдаги иш якунларини танқидий анализ қиляптилар ва янги планлар ва мажбуриятлар қабул қиляптилар. Барча коллективларда КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш, 1976 йил ва ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

«Узбексельмаш» заводи слесари В. Рутто коллективидаги меҳнат кўтаринкилиги, ишлаб чиқариш илғорларининг қимматли ташаббуслари ҳақида гапирди:

— Бизнинг коллективимизда 1980 йил охиригача икки беш йиллик топширигини бажаришга даъват этган Тошкент корхоналари етти ишлаб чиқариш илғорининг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси А. Верзилинанинг «Шогирд— мураббийга тенглашсин» шиори билан бошлаган ташаббуси ҳам ўз издошларини тонди.

Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Г. Адалев, «Строймеханизация» трести касаба союз комитети раиси В. Данилюк ва бошқа ўртоқлар 1975 йилдаги ва тўққизинчи беш йиллиқдаги иш якунлари, коллективлари партия XXV съездини қандай кутиб олаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Актив йиғилиши район меҳнаткашларининг 1976 йил учун социалистик мажбуриятларини қабул қилди.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Абдураҳимов ўз нутқида меҳнат беллашуви анъанаси мусобақадош районларнинг меҳнаткашларига мураккаб вазифаларни ҳал этишда, план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришда қўл келаётганлигини таъкидлади.

* * *

Собир Раҳимов район партия ташкилоти активи йиғилиши юксак ишчанлик вазиятида ўтди. Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Абдураҳимов «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» доклад қилди. Доклад бўйича музокарада 127-автокорхона ҳайдовчиси Б. Мезников, 6-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи С. Котов ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Собир Раҳимов райони меҳнаткашларининг 1976 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Актив йиғилишида Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. Ҳайдарова нутқ сўзлади.

Шундан кейин Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашларининг 1976 йилдаги мусобақаси бўйича социалистик шартнома имзоланди.

Киров ва Собир Раҳимов районлари партия активи йиғилишида шаҳар партия комитети бюроси аъзолари —шаҳар ижроия комитети раиси В. О. Козимов ва шаҳар халқ контроли комитети раиси Ф. Н. Назруллаев қатнашдилар.

Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасида 1975 йилда бўлган мусобақа якунлари бўйича Киров райони ғолиб деб топилди.

11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармасига қарашли коммунист Мухтор Ҳабибуллаев бош бўлган илғор комплекс бригада қурувчилари Фурқат кўчасида янги томоша зали ҳамда Узбекистон проспектида эса «Кооперация уйи» қурилишида фаол иштирок этмоқдалар. Бригада аъзолари мунтазам равишда смена— ойлик топшириқларини 140— 150 процентга етказиб бажаришади.

СУРАТДА: Сиз КПСС XXV съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб баракали меҳнат қилаётган бригада аъзоларидан (чапдан-ўнгга) Павел Лизко ва Ваҳоб Мирзаев ўртоқларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Фан ва техника янгиликлари*

Товушга қараб диагноз қўйилади

Автомат линияларда кеска асбоб сифатини текшириб чиқиш учун электрон аппаратга бир неча секунд кифоя. Белоруссия Фанлар академияси физика-техника институтининг олимлари Минск трактор заводининг конструкторлари билан ҳамдўстликда шундай асбоб ясадилар.

Ҳозирга қадар асбобнинг нечоғлик ўтмаслашганлиги кескининг кичрайиб қолганлигига ёки ишлов берилаётган юза ғичагина ёмонлашганлигига қараб белгиланар эди. Йўл қўйиладиган едирилиш миқдорини аниқлашга кўп вақт кетар эди.

Ҳозир шу ишларнинг ҳаммасини электрон қурилма бажаряпти. Бу қурилма кескининг дириллаши ва жўдга келтирган акустик сигналларни электр сигналларига айлантириб, уларни қайд этади ва белгиланган сигнал билан таққослаб, ўтмаслашган кески тўғрисида хабар беради. Эндиликда оператор янги асбобдан фойдаланиб, ҳар бир кескининг юзлаб деталга ишлов бериш сифатини ҳам айни маҳалда кузатиб бориши мумкин. Кески алмаштиришга кетадиган иш вақти уч баравар қисқарди.

(ТАСС).

Босмадан чиқди

Ҳар йили чоп этиладиган «Наука и человечество» тўпламининг 1976 йилги навбатдаги томи босилиб чиқди. «Жаҳон илм-фанидаги муҳим нарсалар тўғрисида оммабоп аниқ маълумотлар» шиори остидаги тўпламда энг йирик совет ва чет эллик олимларнинг 20 дан ошиқ мақоласи бор. Бу мақолалар биология ва космонавтика, физика ва медицина, тарих, антропология, астрономия ютуқларига бағишланган.

Анъанага кўра, китоб «одам» деган бўлим билан очилади. Унда Б. Б. Петровскийнинг ҳозирги замон хирургияси эришган мувффақиятлар тўғрисидаги мақоласи, А. И. Струковнинг бод касалликларига янгича қараш тўғрисидаги мақоласи, Д. С. Лихачевнинг қадимги рус адабиёти соҳасидаги кашфиётлар тўғрисидаги мақоласи бор. Китобхон П. Кэмпбеллнинг (АҚШ) «Космоса кутқарув ишлари» мақоласини, В. И. Морозовнинг «Космик аппаратлар Марсни тадқиқ этаяпти 1973 — 1974 йиллардаги совет экспедицияси» деган мақоласини эътиборсиз қолдирмайди, албатта.

Тўпламда АҚШ ва ГДР, Англия ва Швеция олимларининг мақолалари ҳам бор.

Маданий хизмат— диққат марказида

Савдо ходимларининг актив йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда улар савдо корхоналарида 1975 йилда бажарилган ишлар ва 1976 йилда қилинадиган вазифаларни муҳокама қилишди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Бош савдо бошқармаси бошлиғи А. Ф. Алимуҳамедов 1975 йилдаги товар оборот плани ва социалистик мажбурият 27 декабрда бажарилганлигини айтди. Йиллик чакана савдо обороти эса пландаги 1301,9 миллион сўм ўрнига, амалда 1320,6 миллион сўм қилиб бажарилди.

Шаҳардаги кўпгина савдо шохобчалари давлат планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришди. Гўшт, шакар, балиқ ва баъзи саноат маҳсулотларидан —пойафзал, шоҳи газмоли, тикув маҳсулотлари сони кўпайтирилди. Савдо корхоналари орасида олиб борилаётган социалистик мусобақалар меҳнат унумдорлигини оширди. Тошкент шаҳар Совети Бош савдо бошқармаси коллективига 1975 йилнинг I ва III кварталдаги социалистик мусобақа якунлари бўйича Ўзбекистон ССР савдо министрлиги коллегияси ҳамда давлат савдоси ва матбулот кооперацияси ходимлари Республика комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Куйбишев, Ленин ва Киров райпишчеторги коллективи эса ўтган йилги районлараро мусобақаларда ғолиб чиқишди. Бунда «Ташхозкультторг»га қарашли 39-магазин, «Хизмат беминнат» фирмасига қарашли 9-магазин, Собир Раҳимов районидаги 4-магазин ва Чилонзордаги 35-магазин коллективи бошқаларга намуна бўлишди.

Аҳолини йил давомида сабзавот ва мевалар билан таъминлаб туриш ҳам яхши йўлга қўйилди. 1975 йилда 110 минг тонна маҳсулот тайёрланди. Карам, пиёз, помидор ва бошқа сабзавотлар бўйича тайёрлов плани ортиғи билан бажарилди.

Кейинги вақтда савдодаги ишчилар сони малакалилари билан кўпайтирилди. Бугунги кунда ҳамшаҳарларимизга 23,5 минг киши хизмат кўрсатаётган бўлса, шулардан олий ва ўрта маълумотга эгалари 3 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. 4 мингга яқини партия ва комсомол аъзоларидир.

Сотувчилар учун ҳам кўпгина қулайликлар яратилмоқда. Бош йилликда 336 савдо корхоналари, 25 та озиқ-овқат магазинлари, тўқиқата жамоат савдо марказлари, Бош универсал магазини ва марказлашган магазинлар, «Болалар дунёси» ишга туширилди. 3-сабзавот комбинати фойдаланишга топширилди. Бу ерда 33 минг тонна маҳсулот сақланади. Савдо корхоналари янги технология билан бойитилди. 284 та магазин эса ўз-ўзига хизмат қилишга ўтказилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиқанлар камчиликлар ҳақида ҳам гапиришди. Меҳнатни ташкил этиш кўпгина савдо корхоналарида яхши йўлга қўйилмаган. Айниқса Ҳамза ва Фрунзе райпишчеторгларида бу товар обороти планини бажармасликка олиб келган. Бу ерда социалистик мусобақа яхши ташкил қилинмаган. «Ташплодоовощторг» эса ҳамшаҳарларимизга сифатсиз маҳсулотларни етказиб бермоқда. Фрунзе райпишчеторгидаги баъзи бир магазинларда қартошка, карам, пиёз, сабзи йўқ.

Бу ерда тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Бундан тащқари ходимларнинг ҳаққига хиёнат қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Ҳамза райпишчеторгидаги 22, 23, 32-магазинларда сотет савдо қоидаси кўпол равишда бузилган. Бундай ҳоллар Фрунзе ва Ленин райпишчеторгларида ҳам содир бўлган.

Аҳолига маданий хизмат кўрсатишда, сотувчиларнинг ўз ишларига сидқидилдан ёндошмасликлари борасида ҳам камчиликлар учраб туради. Қуйидаги рақамлар бунга яққол мисол бўла олади. 7540 савдо шохобчаси текширилганда шундан 2480 тасида қоида бузилганлиги аниқланди. Бундай қоида бузувчиларга қаттиқ чора кўрилмоқда. Ўтган йили 71 киши жиноий жавобгарликка тортилиб, ишончини йўқотган 48 киши эса ишдан бўшатилди. Бунинг ҳаммаси ҳали ҳам аҳолига хизмат кўрсатишда ҳал қилинмаган масалалар борлигини ўз-ўзидан кўрсатиб турибди.

Ўнинчи беш йиллиқда савдо корхоналари хизматчилари олдида камчиликларга барҳам бериш учун кўплаб ишларни амалга ошириш вазифалари турибди.

Актив йиғилиши қатнашчилари 1976 йилга оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Бунда шаҳар савдосидаги барча ишлар даражасини оширишнинг йўллари белгиланди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ КЎПАЙМОҚДА

ПРАГА. Европа социалистик мамлакатларининг «Мир» туташ энергетика системасининг қуввати бултур 4.700 минг киловатт миқдорида кўпайди. Унда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳаммаси — Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия туташ системага энергия етказиб беришни кўпайтирдилар. «Мир» системаси ташкил этилган йиллар давомида ўзаро электроэнергия етказиб бериш етти баравар ортди.

Марказий диспетчерлик бошқармасида ТАСС мухбирига айтишларича, ҳозирги вақтда системага уланган электростанцияларнинг қуввати 56.800 минг киловаттдан ошиб кетди.

• Капитализм иллатлари

«КАСАЛЛИК ҚАНЧА ТУРАДИ»

«Томоқдаги бодомча (муртак) безингизни олдирасизми? 800 крузейродан 4 минг крузейрогача тўланг. Грижангизни олдирасизми? 200 дан 10 минг крузейрогача... Кўричак дардидан қутилмоқчимисиз? 300 дан 10 мингга тўланг...»

Бразилияда чиқадиган «В е ж а» журнали яқинда шундай маълумотлари хабар қилди. «Касаллик қанча туради?» деган сарлавҳада журнал кишилардаги касаллик ва улар учун ўтказиладиган операцияларнинг турли нархларини маълум қилади.

Бироқ, Бразилия аҳолисининг жуда оз қисмигина хусусий шифохоналарда даволаниш имкониятига эгадир. Бу шифохоналарда кўз врачидан маслаҳат олиш учун 350 крузейро тўлаш керак. Аёллар фарзанд кўриши (туғиши) учун 10 минг тўлаши керак. 107 миллион кишини ташкил этган Бразилия аҳолисининг фақат икки процентигина ойига 2 минг крузейродан кўпроқ ҳақ олади. Бундай маблағга эга бўлмаган бошқа кишилар эса тўйиб овқат емасликлари ва яшаш шароити ёмонлигидан дардчил бўлиб қоладилар. Масалан, Рециф шаҳрида камбағаллар онласида туғиладиган ҳар 1000 боланинг 229 таси бир ёшга тўлмаёқ нобуд бўлади.

Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатда 40 миллион кишида сил касаллиги таёқчаси борлиги, 300 минг кини эса бу касалликнинг оғир турига йўлиққанлиги аниқланди. Одатда бу касаллик билан камбағалларнинг болалари кўпроқ оғрийдилар. Хусусий шифохоналарнинг бундай ғайриқонуний ишлари медицинани инқирозга учратмоқда.

Социал-таъминот министрлигининг маслаҳатчиси доктор Мурилу Видела Бастос бу аҳволга тан бериб:

«Врачларнинг даволаш учун пул олишлари уларни руҳлантириб юборади, чунки улар учун беморлар даромад қилишнинг ишончли ва қулай манбаидир. Суруункали касалликлар билан азоб чекадиганларга эса бойлик ундиришнинг ишончли йўли деб қаралади» —дейди.

Айниқса, пули етарли бўлмаган беморларнинг аҳволига вой. Минас-Жерайс штатига қарашли Уберланди шаҳри доктори Энно Вани ўғил бола оёғидаги ярани тикиб қўяди. Бироқ, бемор бола отасида фақат 60 крузейро борлигини билиб қолгач, тиккан ярасини шу заҳоти яна сўкиб ташлайди.

Хусусий шифохона эгалари ўзларига қарам бўлган беморларга кўпинча қўзбўямачилик ҳам қиладилар. Улар ҳамёнидаги бор пулларини шилиб олиш мақсадида уларга турли анализлар, операцияларни маслаҳат берадилар. Бироқ, рентгенга бир марта тушишнинг ўзи юз крузейро туради. Касалхонада ётиш кунининг нархи эса энг қиммат меҳмонхонанинг нархидан ҳам ошиб кетади.

Бразилияда пул кетидан қувишнинг яна бир тури бўлиб, бу дори-дармонларни қоқ ери баҳода сотишдир. Антибиотиклар н и н г бир флакон нархи, ишчи оладиган ойлик маошининг ўндан бир қисмига тенг туради. Айниқса, касаллик эпидемия ҳолатда тарқалганда хусусий шифохона ва дорихона эгаларининг ҳамёнлари жуда қаппаяди. Яқинда Сан-Паулода менингит эпидемияси тарқаганда худди шундай ҳолат юз берди. 1,8 крузейро турадиган ампициллин 30 крузейродан сотилди. Бу қарийб 17 баробар ортиқдир. Аслида, фойданинг энг кўпини Бразилия фармацевтика саноатининг 87 процентини эгаллаб олган чет эл монополиялари оладилар. Бойлик орттириш учун улар очиқ-ойдин қаллоблик йўлига ҳам ўтиб оладилар. Масалан: атропин дорисининг ўзи 20 хил этикетка (марка) билан сотилади. Дори аслида бир хил бўлади, нархи эса бешдан йигирма крузейрогача оширилади.

Минас-Жерайс штати университети медицина факультетининг ректори, доктор Жозе Элиаз Муради таъкидлашича, мамлакат дорихоналарида аслида 5 минг хил ўрнига 20 минг хил дори-дармон мавжуд.

Дорихоналар кўпинча «янги» дориларни маълум қилади. Одатда бундай дориларга кишилар соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар қўшилади. Минас-Жерайс штатининг федерал депутати Фабиу Фонсека бундай «дори»лардан 187 та борлигини аниқлади. Капиталистик мамлакатларда кишилар соғлиғига зарар етказиш эксплуатациянинг таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Кўр-кўрона тарғибот, мақтаниш, алдоқчилик, кўзбўямачилик —буларнинг ҳаммаси меҳнатчиларни эзишдир. Капитализм жамиятининг корчалонлари бўлган оқ халатли хусусий шифокорлар ва фармацевтика саноатининг қаллоблари беморларни иложи борича кўпроқ тузоққа илинтириш, бойлик орттириш билан кун кечирмоқдалар.

Ю. ГВОЗДЕВ.

Тарихий қарорлар

ВЕНА. Австрия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ф Фюрнберг қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш катта тарихий аҳамиятга эгадир. У ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Хельсинкида қабул қилинган қарорлар Европада урушдан кейинги даврни якунлайди ва қитъа тарихида янги саҳифа очади. Аввало Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар куч-қудратининг доим ўсиб бораётганлиги туфайли, тинчликсевар кучларнинг ҳаракати туфайли бунга эришиш мумкин бўлди. Коммунистлар тинчликсевар кучларга бош бўлиб, оғир ва фидокорона кураш олиб бормоқдалар.

Тарихий тажрибага асосланиб, Хельсинки кенгашидан кейин ҳам империализмнинг реакцион кучлари, деди у, «совуқ уруш»ни тиклаш мақсадида қарши ҳужумга ўтиш учун уриниб кўрадилар, деб фараз қилиш мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам шундай аҳвол рўй берди. Аммо бу кучлар ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Бунинг боиси шуки, юз миллионларча кишилар кескиликни юмшатиш жараёнини мустаҳкам давом эттириш ва янада ривожлантиришга интилмоқдалар.

Биз барча халқларнинг тинчлиги ва озодлиги учун курашмоқдамиз ва бу курашимизни кучайтирамиз, деб таъкидлади сўзининг охирида Ф. Фюрнберг.

ИСПАНИЯ. Мадрид метросининг 4 мингга яқин ишчиси иш ташлади. Улар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш ҳақида талаб қилмоқдалар. Испания ҳукумати иш ташловчиларни ҳарбий трибуналга тортиш сафсатаси билан қўрқитмоқда.

СУРАТДА: аҳоли бекатда автобусга чиқиш учун навбат кутяпти.

ЮПИ —ТАСС телефотоси.

ЯНГИ КИНОҚИССА

«Қозоқфильм» студияси ишлаб чиқарган «Баҳодир» ҳужжатли кинолента Экибастуз конида вужудга келтирилган жаҳонда энг кучли кўмир қазиш разрези билан таништиради. Киноқиссада Қозоғистон чўлининг шимоли-шарқида тўққизинчи беш йиллиқда шу катта янги қурилиш қандай пайдо бўлиб, куч-қувватга эришганлиги ҳикоя қилинади. Катта-катта ротор комплексларининг ишини кўрсатувчи кадрлар айниқса таъсирчандир. Комплекслар қалин кўмир қатламини қазиб бермоқда. Қатлам запаслари ушбу корхонанинг бутун бир аср ишлашига етади.

Янги фильмда ўнинчи беш йиллиқда разрезни ривожлантириш истиқболларига муҳим ўрин берилган. ТАСС.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ТОЛИҚМАЙ ДЕСАНГИЗ...

«Ҳурматли редакция! Баъзан киши қаттиқ толиқиб, чарчаб қолади. Бунинг сабаби нима? Чарчоқни ёзиш, толиқмаслик учун нима қилиш керак? Шу ҳақда газетада мақола ўқишни истардик.

Ш. КОМИЛОВ, О. ҚУЧҚОРОВ, Б. ҲАЙРИДДИНОВ ва бошқалар.

Биз оқшомхонларнинг ана шу истакларини инобатга олиб Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Карим Асилов билан суҳбатлашдик.

— Чарчашликнинг белгилари аввало умумий камқувватлик, ўзини ёмон ҳис қилиш, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараш, ишга кўнгилсизлик, кундузги ўйқучанлик, тунги бедорликдан сезилади. Киши ўзидан-ўзи тажанг бўлиб, тез жаҳли чиқади.

Инсоннинг кўп қиррали фаолиятида икки хил чарчашлик аломати учрайди: биринчиси жисмоний меҳнатдан чарчаш; иккинчиси ақлий меҳнатдан чарчаш. Чарчашнинг бу икки тури деярли бир хил бўлсада, бир-биридан катта фарқ қилади.

Ақлий меҳнатдан чарчаган киши тезда толиқиб, ўзида камқувватлик, бош оғриғи каби ҳолатларни кечиради. Жисмоний меҳнатдан чарчашлик белгиларига эса толиқиш, мускулларда оғриқ пайдо бўлиши, кам ҳаракат, мувозанат йўқолиши, ўзини ёмон ҳис этиш каби ҳолатлар киради. Бундан ташқари, жисмоний меҳнатдан чарчашга қон таркибида қанд миқдорининг камайиши ва сут кислотаси миқдорининг ошиши ҳам сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида киши организмида ортиқча миқдорда тўпланган куч манбаларининг жуда секинлик билан ишга солиниши, тўқималар ишлаб чиқарган қолдиқ моддалар секинлик билан организмдан чиқариб ташланиши натижасида вужудга келади. Организмда сут кислотасининг ортиқча миқдорда тўпланиб қолиши чарчашга олиб келади.

Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишиларга маълумки, иш вақтида вужудга келадиган чарчаш дам олаётганда ҳам тезда ўтиб кетмайди, бу маълум муддат сақланиб туради. Ақлий меҳнат қилганда юз берадиган чарчаш жисмоний меҳнат бажаргандаги чарчашликдан ана шу томони билан фарқ қилади. Зеро, ақлий меҳнат қилганда бош чарчайди, унинг фаолияти дам олаётганда ҳам тўхтамайди. Бош мия фаолияти қаттиқ чарчаганда унинг асорати ҳатто ухлаш вақтида ҳам давом этади, бу эса уйқунинг бузилишига олиб келади.

Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган киши вақт-бавақт жисмоний меҳнат қилиши, яхши хордиқ чиқариши лозим. Бу эса ўз навбатида кишини тетикликка, руҳий толиқмасликка олиб келади.

Киши ақлий меҳнатдан қаттиқ чарчаса, фикрлаш қобилияти сусайиб кетади, бу ҳам ақлий чарчашнинг белгисидир. Шуни ҳам айтиш керакки, кишидаги бундай ҳолат «склероз» белгиси ҳам ҳисобланади. Бунда воқеаларни эсда сақлаб қолиш қобилияти пасаяди, бемор турли ҳодисаларга бефарқ қарайдиган бўлиб қолади.

Толиқиш эса физиологик ҳолат бўлиб, у кишининг иш қобилияти пасайишига, бўшашишига, камқувватликка, мускулларда енгил оғриқ пайдо бўлишига олиб келади.

Чарчашнинг асосий сабаблари: узоқ вақт давом этган бир хил меҳнат, жисмоний ва ақлий толиқиш, атрофдаги ноқулай шароитлар таъсири, асаб системаси сезгирлигининг ошиши, шаҳар шовқини ва бошқалардир.

Шуни унутмаслик керакки, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳам чарчашликни зўрайтириб юборади. Спиртли ичимликлар асаб системасига, юрак-қон томирларига, жигар, буйрак, умуман одам организмининг барча тўқималарига зарар келтиради. Шунинг учун ҳам ичадиган кишилар хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний меҳнатда бошқаларга қараганда тез чарчаб, толиқиб қоладилар.

Баъзи кишилар, кайфиятни яхшилаш учун оз-оз «отиб» туриш зарар қилмайди, деб ўйлашади. Бу фикр мутлақо нотўғри. Оз-оз ичиш натижасида организм заҳарланиб бориб, кейинча бунга кўникиб, талабгор бўлиб қолади. Спиртли ичимлик одам организмида модда алмашинувини кучайтиради. Натижада зарарли моддаларни организмдан чиқариш учун юрак, асаб системаси одатдагидан кўпроқ ишлайди ва касалликка дучор қилади. Шунинг учун ҳам спиртли ичимликни истеъмол қилгач, киши эртасига ўзини ёмон ҳис қилади.

Чарчашликнинг яна бир белгиси, овқатни нормадан ортиқ истеъмол қилишдир. Айниқса, кечқурун ётишдан олдин кўп миқдорда овқат ейиш организм учун ниҳоятда зарарли бўлиб, камқонликка, юрак қон-томир системаси ишининг пасайишига олиб келади.

Ишда узоқ вақтгача салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлиши киши соғлиғига ёмон таъсир қилиши мумкин. Масалан, тинимсиз шовқин, оғлавий жанжал, ҳар хил аччиқчучук гаплар марказий асаб системаси иш фаолиятини пасайтиради, булар айниқса меҳнат вақтида чарчоқ қўшади. Натижада одам сержаҳл, ҳар нарсага тезда хафа бўладиган бўлиб қолади.

Марказий асаб системасида ва бутун организмда юз берган чарчоқликни йўқотишда очиқ ҳавода сайр қилиш, дам олиш, сувда ювиниш, ҳордиқни чиқарадиган енгил шўх музикалар эшитиш катта аҳамиятга эга.

Чарчоқни йўқотишнинг яна асосий омилларидан бири — кўнгилли машғулотлар билан кўпроқ шуғулланишдир. Агар сиз ақлий меҳнатдан чарчаган бўлсангиз, ўзингизга маъқул бирор жисмоний меҳнат билан шуғулланинг. Агар мия бутунлай чарчаган бўлса, кун охирида ақлий меҳнатдан толиқиб қолган бўлсангиз, гарчанд сиз ишдан бўш бўлсаларингиз ҳам, хаёлингиз ишда бўлади. Бу вақтда бутунлай машғулот, дам олдирадиган иш билан шуғулланишга тўғри келади. Шу билан сиз чарчаган нерв марказини ишдан озод қилган бўласиз. Бунинг учун, очиқ ҳавода дам олсангиз, сувда ювинсангиз, спорт билан шуғуллансангиз айни муддао бўлади.

Одам тез чарчаб, толиқиб қолишига кўпинча ўзи сабабчидир: Масалан: кўча транспортларида баъзан киши асабига тезда таъсир қиладиган гап-сўзлар бўлиб туриши мумкин. Бунга ортиқча эътибор бермаслик керак. Айниқса, эрталабдан кайфиятни бузмасликка ҳаракат қилиш лозим. Кайфиятингизнинг бузилиши натижасида тезда толиқасиз.

Чарчамаслик учун ҳар бир одам ўз вақтида овқатланишга одатланиши керак. Тартибсиз овқатланиш асаб системасига катта ўзгаришлар олиб келади. Айниқса, кечки овқатланишга жуда эътибор бериш зарур. Кўп овқат еб қўйилса, кечаси бутун организм ишлаб, асаб томирлари бўшашади. Натижада мия ҳужайралари тез чарчайди, одам эрталабдан бўшашиб, ҳудди дам олмагандек, уйғонади. Яхшиси эрталаб тўйиб овқатланиш керак, бу овқат кун бўйи одамга куч беради.

Чарчамай десангиз спиртли ичимликларни истеъмол қилманг, эрталаб очиқ ҳавода сайр қилиб, ҳар доим спорт билан беш-ўн минут шуғулланишга одатланинг. Овқатни ўз вақтида тановул қилинг. Ана шундагина саломатлигингизни асраб, кайфиятингиз ҳамиша чоғ бўлади.

ҲАРАКАТ—ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Жисмоний машқ билан мўътадил ва ўз вақтида шуғулланиб турадиган одамнинг дори-дармонлар билан даволанишга эҳтиёжи қолмайди.

Абу Али Ибн Сино.

Организмнинг айрим жойларида қон ҳаракати тўхтаб қолгудай бўлса, уқалаш ва бадан тароғи жуда фойдалидир.... Мана шундай машғулотлар кишига қун бўйи тетиклик беради, умрни узайтиради.

А. А. БОГОМОЛЕЦ.

Кам ҳаракат қилиш, доимо ўтириб ишлаш — семириш ва қон босими касаллигини юзага чиқаради.

В. Ф. ЗЕЛЕНИН.

Жисмоний машқ ва спорт билан шуғулланиш организмда оксидланиш процессларини оширади, томирларда склеротик ўзгаришлар пайдо қилмайди. Улар умримизни узайтиришнинг қудратли манбаи ҳамдир.

И. АНИЧКОВ.

Жисмоний тарбия одамнинг психологиясини тубдан ўзгартириб, кишини соғлом қилади, дилни ёйратади.

А. Л. МЯСНИКОВ.

Гимнастика ёрдами билан мен баданимнинг мувозанатини тўғрилаб оламан.

СУҚРОТ.

Актив ҳаёт, жисмоний машқлар кексайиб қолган баданнинг ҳаётий хислатларини, ишлаш қобилиятини тобора оширади.

В. ФҲОЛКИС.

Қобилият ҳам мускуллар каби ҳаракатда ўсади.

В. А. ОБРУЧЕВ.

Ҳаёт ҳаракатни талаб қилади.

АРИСТОТЕЛЬ.

Саёҳат ёшликни сақлайди.

Н. М. ПРЖЕВАЛЬСКИЙ.

Собир Раҳимов районидаги 7-стоматология поликлиникасининг бош врач ўринбосари Мурод Худойбердиев ўзининг нўл йиллик иш тажрибасини ёшларга ўргатиб келмоқда.
СУРАТДА: М. Худойбердиев тиш техниклари (чапдан) Н. Ҳолиқова, М. Раҳимова ва С. Душанбиеваларга тиш даволаш усулини ўргатмоқда.

Г. Эгамбердиева фотоси.

АППАРАТ ЁРДАМИДА АЭРОВИТ

МЕДИЦИНАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ярославль Медицина институтида қишлоқ, район касалхоналари ишининг практикасига консультатив диагностикани жорий этиш базаси вужудга келтириляпти. Шу мақсадда клиникада «наири-к» машинаси ўрнатиляпти. Касаллик сабабини аниқлаш қийин бўлган ҳолларда қишлоқ врачлари беморнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотни электрон-ҳисоб машинасида ишлаб чиқиш учун Ярославлга юбориб турадилар, у ердан район шифохонасига тайёр диагноз келади.

Айни маҳалда диагностикада электрон-ҳисоб техникасини ишлатадиган мутахассислар тайёрланмоқда.

Автобуслар, поездлар ва самолётларда кўнгли айниб, боши айланадиган, «денгиз тутак касаллигига» мойил кишилар учун аэровит деб ном олган янги препарат ишлаб чиқилди. Ленинград витамин комбинати шундай дори тайёрлай бошлади.

Корхона «А» ва «Е» витаминлари солинган ва эриб кетадиган капсула ҳолидаги аеавит деб аталувчи бошқа бир дори ҳам тайёрлаб чиқармоқда.

Янги препаратлар турли шаҳарларнинг аптекаларига юборила бошланади.

(ТАСС).

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

◆ ФУТБОЛ

КОМАНДАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мамлакатимиз шаҳарларида «Неделя» газетасининг совғини учун мини-футбол мусобақаларида чарм туп мухлислари олий лига командаларида юз берган ўзгаришларнинг ҳам гувоҳи бўлмоқдалар.

Бу йилги мавсумдан бошлаб Марказий Армия спорт клуби командасига А. Мамикин катта тренерлик қилади. Унга Н. Маношин ва В. Бубукинлар ёрдамлашишади. Москванинг «Спартак» командаси раҳбарлар состави ўзгарди. Энди бу командага «Спартак»нинг собиқ ўйинчилари хизмат кўрсатган спорт мастерлари — А. Крутиков, Г. Хусаинов ва спорт мастери И. Варламовлар устозлик қилишади.

Тбилисининг «Динамо» командасига бу йилдан бошлаб Н. Ахалкаци катта тренерлик қилади.

Энди, бир неча командаларга таклиф этилган янги ўйинчилар билан танишинг. Москванинг «Торпедо» коллективига МАСКдан Худиев, Симферополнинг «Таврия»сидан ярим ҳимоячи Аджем ва Владимир шаҳридан Сучилинлар таклиф этилди.

Москванинг «Динамо» коллективига пойтахт «Спартак» командасидан Минаев, «Торпедо»дан Максименковлар ўтишди. Ҳозир «Спартак» командаси учун жуда оғир бўлган кезлардир. Чунки, унинг бир неча ўйинчилари бошқа коллективларга ўтиш ҳоҳишини билдиришди. Марказий ҳимоячи С. Ольшанскийдан сўнг Пискарев ҳам ҳарбий хизматни ўташга чақирилди. Командининг асосий дарвозабони Прохоров Киевнинг «Динамо» коллективига ўтиш истагини билдирди. Бундан ташқари, «Динамо» командаси составида «Шахтёр»нинг марказий ҳимоячиси Звягинцев ҳам ўйнаш истагида. «Спартак» командасининг раҳбарлари «Торпедо»дан ҳимоячи Тукмачевни, «Арарат»дан ярим ҳимоячи Заназанянни, Костроманинг «Спартак» командасидан 25 ёшли дарвозабон Юрий Смирновни пойтахт командасига таклиф қилдилар.

Шундай қилиб, футбол мухлисларининг диққатини қозонаётган мини-футбол мусобақалари давом этяпти, пешқадамлар аниқланяпти.

РЕЗЕРВЛАР КЎРИГИ

«Комсомолец Узбекистана» газетасининг совғини учун дзю-до кураши бўйича ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақасининг вақти аниқланди. Курашчилар 31 январь куни майдонга тушадилар.

Иттифоқдош республикалар ва бир қанча катта шаҳарларнинг курашчилари Тошкент кўригида иштирок этиш истагини билдирдилар. Бу курашчилар майдонда куч синаш имконияти берилганлиги учунгина бу мусобақада қатнашиб қолмай, уларни ўз вазнига қараб мусобақа ғолибларидан икки киши СССР спорт мастери унвонини олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳам қизиқтиради.

Ташкилот комитетининг аниқлашича, командада ўнта спортчи: ҳар бир вазн категориясида иккитадан киши бўлиши лозим... Мусобақанинг биринчи куни — оғир вазнли полвонлар, иккинчи куни — ўрта вазндаги полвонлар, учинчи куни — енгил вазнли полвонлар беллашади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 21да **Олтин девор**, 22да **Мен Чилига ишонаман.**

КИНО

21 ЯНВАРДА

Афоня — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (кечқурун), «БИЛИМЛАР УЙИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» «ҚУФТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 20.00, 21.30), «МОСКВА» (17.30, 20.45).

Очкўзликка қарши маккорлик— НАВОИЙ номли (17.00, 20.00).

Дельфин куни — «ЧАПКА» (18.00, 21.45), «НУКУС» (19.00, 20.45).

Ивановлар оиласи — «ЧАПКА» (20.00).

22 ЯНВАРДА

Афоня — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «БИЛИМЛАР УЙИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қуфт совгаларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00, 14.30, 16.00, 17.30, 19.20).

Очкўзликка қарши маккорлик— НАВОИЙ номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Дельфин куни — «ЧАПКА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 21.45), «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 20.45).

Ивановлар оиласи — «ЧАПКА» (16.00, 20.00).

ТЕЛЕВИЗОР

21 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.15 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.20 Ўқувчилар учун. «Салом, музика!». 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Турли иж-тимоий туюмдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча принципларн». (ўзб.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Партия планлари — халқ планлари». «Ўзбекистон ССР Граждан Ҳаво Флоти ходимларининг янги марраларн». **Узбек тилида:** 20.00 Адабий портрет. Ҳаким Назир. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳ. Охунова ва республикада хизмат кўрсатган артист М. Исомиддинов концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Надежда». Бадиий фильм (ўзб.). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Горничлар, қаердасиз?». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда кўеш акси бор». 19.30 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1975 йил СССР давлат мукофотининг лауреатлари. 19.45 Н. А. Римский-Корсаков. Фортепиано ва оркестр учун ёзилган концерт. 20.00 «Партия планлари — халқ планлари». 20.30 «Милтиқли киши». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Фан» программаси (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 С. Рахманинов. 2-симфония. ССР Иттифоқи Давлат Академик симфоник оркестри чалади. 23.30 «Спортлото» тираж. 23.40 Янгиликлар.

Учинчи программа. 18.55 дан **Тошкент кўрсатади.**

22 ЯНВАРЬ— ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горничлар, қаердасиз?». 11.15 «Милтиқли киши». Бадиий фильм. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.25 «А. Твардовский ижоди». 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан». Илмий-оммабоп фильм. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Бугун туғилган куним». Мультфильм. **Узбек тилида:** 18.10 «Партия планлари — халқ планлари». «Таштекстильмаш» заводи коллективининг янги марралари». 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 «Мароуба Собирова куйлайди». 19.20 Нейрохирург профессор М. Х. Қориев ҳақида телевизион очерк. **Москва кўрсатади.** 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Ҳозирги босқичда халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш». **Тошкент кўрсатади.** 20.00 «Ахборот» информацион программаси (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.15 «Съезддан — съездгача. Совет Литвасн». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Марям Маҳмудова куйлайди». Фильм-концерт. 23.00 Хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. Финландия — СССР терма командалари. Хельсинкидан олиб кўрсатилади. 01.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисоби». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Афсоналар масканида». Телевизион фильм. 12.25 «Тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисоби». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 17.45 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун. 18.15 «Қувнок стартлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Бизнинг цирк». **Тошкент кўрсатади.** 19.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Комсорг минбари» (ўзб.). 19.50 «Савдо рекламаси» (рус.). **Москва кўрсатади.** 20.00 А. Сирасва. «Симфоник поэма». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.15 Узбек куйларидан концерт. 22.00 «Инсон ва қонун» (рус.). 22.30 «Сўнгги дамгача». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 18.55 дан **Тошкент кўрсатади.**

«Свитязь—М» диапроектори

Яқин кунларда савдога чиқарилади

СИЗ ПЕДАГОГ, ЛЕКТОР ЕКИ ФОТОҲАВАСКОР БЎЛИШИНГИЗДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, ДИАПРОЕКТОР ЗАРУРДИР.

Педагог ва лектор диапроектор ёрдамида аудиториядаги тингловчиларга темаларни кўргазмали қилиб отказиб беради.

Рангли диапозитивларни тайёрлашга ўрганаётган фотоҳаваскор — ўз маҳоратини қаридошларига ва дўстларига намойиш қилиб кўрсатиши мумкин.

Биз Сизга тавсия қилаётган «Свитязь-М» диапроектори диафильмн кадрининг формати 18х24 мм, диапозитив формати 18х24 ва 24х36 мм; диапозитив рамкасининг катталиги 50х50мм.

КАССЕТАДАГИ ДИАПОЗИТИВЛАР СОНИ 36 ТА.

«Свитязь-М» махсус приставка билан жиҳозланганлиги учуи ҳаммаси бўлиб 5 секунд ичида диафильмлар намойишини бошлаб юбориш мумкин.



«СВИТЯЗЬ-М» ДИАПРОЕКТОРИНИНГ ОРИЕНТИР БАҲОСИ — 80 СЎМ.

ЦРКО «РАССВЕТ»
«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

САНЪАТ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-маданият уйи қошидаги

«БАЁТ»

ХАЛҚ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

СТУДИЯСИ

1976 ЙИЛ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
ЯНГИ ЎҚУВЧИ-ИШТИРОКЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Узбек миллий халқ чолғу асбоблари оркестри: дойра, чанг, рубоб, тожикча най, қўш най, кларнет, дутор, аккордеон, баян, ноғора, қарнай-сурнай ва афғон рубоби (бу бўлимга кирувчиларда ўзларининг шахсий музика асбоблари бўлиши шарт).

Халқ рақслари бўлими: классик рақслар; характерли, эстрада ва пантомимик рақслар (бу бўлимда СССР ва жаҳон халқлари рақслари ўргатилиб, 12 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади);

қўшиқ, вокал ва хор санъати бўлими;

бадиий сўз (конференсьелик);

мақомчилар ансамбли;

драма бўлими;

эстрада вокал-инструментал ансамбли;

ёш адабиётчилар тўгараги.

Дарслар махсус ўқув корпуслари ва театрларда олиб борилади.

СТУДИЯДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ, ИШЧИ-ЕШЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ, ИШ ВА ЎҚИШДАН ТАШҚАРИ БЎШ ВАҚТЛАРИГА ҚАРАБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Юқоридаги ҳамма бўлимларда ўқиш муддати — 3 йил.

БИТИРУВЧИЛАРГА МАХСУС ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.

Шунингдек, маданият уйи қошида қуйидаги махсус курслар мавжуд: Сичиш-тикиш (қиз ва аёллар учун мўлжалланган бўлиб, ўқув муддати — 1 йил);

радиотелемастерлар (ўқув муддати — 10 ой); машинкада ёзув (рус ва Узбек тилларда малакали секретарь-машинисткалар тайёрлайдиган курс) — ўқиш муддати — 6 ой; фото (ўқув муддати — 1 йил); фортепьяно (7 йиллик музика мактаби ҳажмида).

Юқоридаги махсус курсларни битирувчиларга ҳам гувоҳнома берилади.

Юқоридаги барча студия ва курслар учун маданий ва бошқа шароитлар мавжуд.

Хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари лозим; маданият уйи директори номига ариза, 3х4 ва 6х9 см. ҳажмидаги 4 тадан 8 дона фотосурат, (санъат соҳасидан ташқари бўлган курсларга кирувчилар 6х9 см. фотосурат топширмайдилар), таржимаи ҳоли, яшаш жойидан шахсан ёки ўқиш жойидан справкалар (квартирада турувчилар справка топширмайдилар), паспорт, ҳарбий билет ва бошқа ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

ҲАММА БЎЛИМЛАРГА ҲУЖЖАТЛАР 15 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Дарслар 16 февралдан бошланади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (душанба кунидан ташқари) ЭРТАЛАБ СОАТ 10.00 ДАН 14.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Беруний кўчаси, 27-квартал (7, 16, 19-трамвайлар, 11, 28-автобуслар (8-троллейбуснинг «Ўқитувчилар уйи» бекати). «Баёт» халқ студияси ёки 3-маданият уйи дирекцияси, 2-қават.

Наби Ганиев номли Тошкент кинотехникумининг дирекцияси, партия ташкилоти ва касаба союз комитети техникум ўқитувчиси С. Икромовга онаси

Саидкарим ИКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси ва Тошкент Давлат инженерлик-техникавий қидирув институти коллективлари институт директори А. Исломовга отаси

Ислом ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союз комитети ва 116-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси М. Исломовга отаси

Ислом ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, район маориф ходимларининг касаба союз комитети ҳамда 115-мактаб коллективи шу мактабнинг илмий бўлим мудири

Ғуломхўжа ТОЖИХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми 4 бет.

21 ЯНВАРЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган — Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 02155. Узбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—2988.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими— 33-81-42.